

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ДАРСЛАРИДА ХАЛҚ МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ

**Я.З. Файзиев**

БухПИ “Жисмоний маданият назарияси”  
кафедраси доценти

### АННОТАЦИЯ

Мақолада жисмоний маданият мутахассисларининг роли жуда ҳам кенг маънода улканлиги, яъни ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама жисмонан ва маънан етук комил инсон қилиб тарбиялашимизда жисмоний тарбия ва спорт машғулотларида халқ миллий ўйинларини қўллаш муҳим эканлиги айтиб ўтилган.

### АННОТАЦИЯ

В статье упоминается, что роль специалистов по физической культуре очень велика, то есть важно использовать народные игры в физической культуре и спортивной подготовке, чтобы воспитывать подрастающее молодое поколение всесторонне зрелым.

### ABSTRACT

The article mentions that the role of specialists in physical culture is very large, that is, it is important to use folk games in physical culture and sports training in order to educate the younger generation as comprehensively mature.

Мустақил Ўзбекистонда юз бераётган туб ислохотлар жамиятимизнинг фақат ҳозирги кунини эмас, балки унинг келажагини, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу ғояни амалга оширишга қаратилди Ана шу эзгу ғояни амалга ошириш учун аввало салоҳиятли, ижодкор, жамият олдида ўз масъулиятини ҳис эта оладиган, истиқлол ғояларига садоқатли шахсни шакллантириш тақазо этди.

Маълумки, сўнги қатор йиллар мобайнида ҳар бир йилни юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда муайян соҳа, қадрият ёки йўналишга устуворлик аҳамиятини бериш амалиёғи анъанаси қарор топди. Агар бунга кенгроқ маънода қарайдиган бўлсак, ҳар бир йил учун бериладиган устуворликнинг асосий мақсади - ҳар томонлама ривожланган инсонни камол

топтириш, ёш авлодни инсонийликка етакловчи маънавий - ахлоқий ва жисмоний баркамолликка қаратилганлигини кўрамиз. Булар шунчаки тадбирлар мажмуи деб қаралмаслиги, балки муаммоларни изчил ҳал этиш стратегияси деб ўрганилиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Айниқса олий таълимда таҳсил олаётган бўлажак ўқитувчиларини тайёрлашда таълим мазмунини миллий анъаналар билан бойитиш муҳим аҳамият касб этади.

Чунки миллий анъаналар, урф-одатлар ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, улар негизида ёшларни жасурлик, зукколик, чاقқонлик, меҳнатсеварлик ўзаро хурмат, меҳр-мурувват ва бошқа ҳислатлар руҳида тарбиялаб, халқимизнинг куч-қудратини жаҳонга кўрсатиш ва ундан фахрланиш, тинчлик-барқарорлик, она Ватанга садоқат, ўз касбини эъзозлаш каби туйғулар билан уйғунлашиб кетади. Шунингдек, ҳозирги даврда турли хил миллий спорт анъаналари-миллий байрамлар, маросимларимиз кириб келмоқда ва соғлом авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунга кўра Республикамизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш билан бирга мутахассис кадрларни тайёрлашда жисмоний таълим жараёнини ривожлантиришда ҳам катта аҳамият берилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт кишиларни жисмоний камол топтириш, уларни социал-иқтисодий вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга тайёрлаш омилдир. Давримизга хос бунёдкорлик ишларини ҳам ақлий, ҳам жисмоний баркамол кишиларгина муваффақиятли амалга оширишга қодирдирлар.

Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришганидан сўнг қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунлар, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 ноябрь, ПҚ-4877-сонли “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январь ПФ-5924 сонли “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрь ПФ-6099 сонли “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 март,122-сонли “Спорт турлари бўйича терма жамоалар таркибига спортчиларни саралаб олиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 август,468-сонли “2025 йилда Ўзбекистонда ёшлар ўртасидаги IV ёзги Осиё ўйинларини ўтказишга

тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 ноябрь ,735-сонли “Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори бошқа фармон ва қарорлар туб ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданий ўзгаришларни юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон олий ўқув юртларида, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётган бўлсада, улар бугунги давр талаблари даражасида бўлиши учун, олий ўқув юртларидаги номутахассислик таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабаларнинг жисмоний тарбиялаш билан шуғулланадиган жисмоний тарбия кафедраси ва спорт уюшмаларидан жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини ўтказишда ишларини фаоллаштириш лозим.

Инсон учун инъом этилган олий неъмат - саломатлик ҳисобланади. Мустақиллик йилларида соғлом авлод тарбиясининг тамойиллари миллий мафкура ва миллий ўзликни англаш жараёнлари билан боғлиқ равишда қайта кўриб чиқилди ва шакллантирилди. Бу вазифани амалга оширишда таълим - тарбия жараёни муҳим аҳамият касб этади. Чунки, айнан соғлом авлод тарбияси ва унинг негизида маънавий-ахлоқий фазилатни шакллантириш жараёни жамият тараққиётининг ҳамда юрт равнақининг пойдевори ҳисобланади.

Асрлар давомида шаклланиб, сайқал топиб келган соғлом авлод тарбиясидаги шахснинг ҳар томонлама етук инсон бўлишига қаратилган эътибор ҳозирги даврда ҳам ўз мавқеини сақлаб келмоқда. Бу ўз навбатида жамиятни демократлаштириш билан боғлиқ бўлган барча жараёнлар таркибига соғлом ва баркамол авлод тарбиясининг марказий вазифаларидан бири сифатида ўрганилишини тақазо этади.

Айни пайтда юқоридаги келтирилган фикрларимизни амалга оширишда кенг қўламли ишларни амалга оширишимиз лозимдир. Айниқса жисмоний маданият мутахассисларининг роли жуда ҳам кенг маънода улкандир, яъни ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама жисмонан ва маънан етук комил инсон қилиб тарбиялашимизда жисмоний тарбия ва спорт машғулотларида ҳалқ миллий ўйинларини қўллаш муҳимдир. Халқ миллий ўйинлари нафақат фарзандларимизни чиниқтиради балки уларни миллий урф-одатларимиз анъана ва қадриятларимиз руҳида тарбиялашда уларни шу анъаналарга содиқ ҳолда камолга етишишига алоҳида ўрин эгаллайди.

Биз шу мавзуга қўл уриб, илмий, илмий-услубий манбаларни таҳлил қилдик, кўпгина илмий анжуманлар материалларини ўрганиб чиқдик. Илмий амалий анжуманлар материалларидан мавзуга оид қуйидаги: “Миллий спорт ва

миллий ўйинларни ривожлантириш муаммолари” Абдураимов Х.М. (1998й), “Ўсмир ёшларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришда ўзбек халқ миллий спорт турларидан фойдаланишнинг педагогик асослари” А.Атоев, Д.Хайитов (2004й), “Тарбия жараёнида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланишнинг педагогик асослари” Баймурадов Р. (2008й), “Ўлкамизда миллий спорт ва халқ ҳаракатли ўйинларининг ривожланиш тарихидан” Маъмуров Ш. (2000й), “Саёҳатлар ва халқ миллий ўйинларининг ижтимоий тарбиявий хусусиятлари” Мирзаев А.Х., Тувалов А.В., Нуриллаев Д.У. (2009й), “Миллий байрамларда жисмоний маданият воситаларидан фойдаланиш” Рафиев Х. (2002й), “Миллий ўйинларимизнинг тарихий илдизлари” Жабборов У., Э.Жабборов (2001й), “Ўқувчиларни халқ миллий ўйинларига қизиқтириш йўллари” Холдорев Т.Х., Ирсалиев М.С., Қурбонов А. (2002й), “Ўзбек халқ байрамларида болалар ўйинларидан фойдаланиш” Қўшинова Р., Д.Абдуқодирова (2008й), “Халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари” Косимова Г. (2008й) “Турли ёшдаги болалар ўртасида спорт мусобақаларни ташкил қилиш хусусида” Раупов С., Қурбонов А., Ашуров А. (2013й), “Маҳаллаларда болалар билан оммавий спорт тадбирларини ташкил этишнинг айрим хусусиятлари” Рўзиев Д. (2013й), “Маҳаллаларда спорт тадбирларини ташкил қилиш” Тўрақулов И., Тошмуродов О., Болтаев З. (2013й) ва бошқа кўпгина мақола ва тезислар билан танишиб чиқдик.

Мустақил давлатимизнинг эртанги куни, унинг гуллаб яшнаши ва ривожланиши кўп жиҳатдан ўсиб келаётган авлоднинг соғлом бўлишига боғлиқ. Бу ўз навбатида, Ватанимизнинг келажаги -фарзандларимизнинг жисмоний, ақлий ва маънавий камол топиши учун қулай шароитлар яратишни тақозо этади. Хулоса қилиб шуларни таъкидламоқчимиз.

1.Бухоро давлат университети номутахассислик таълим йўналишларида олиб борилаётган “Жисмоний тарбия ва спорт” фанига ажратилган соатлар етарли эмас.

2.Ажратилган 30 соат талабаларнинг соғлигини инобатга олган ҳолда уларнинг эҳтиёжини қопламайди

3.Намунавий ўқув дастурларига бсоат ҳаракатли ўйинларга ажратилган.

4.Талабаларнинг халқ миллий ўйинлари борасидаги билимлари саёз.

Қуйидагиларни инобатга олган ҳолда таклифларни киритмоқчиман.

1.Номутахассислик таълим йўналишларида олиб борилаётган “Жисмоний тарбия ва спорт” фанига ажратилган соатларни ошириш (Ўқув ишлари бўйича проректорга мурожаат қилган ҳолда);

2.Намунавий ўқув дастурлари таркибида ҳаракатли ўйинлар билан биргаликда халқ миллий ўйинларини киритиш;

3. Ҳаракатли ўйинларни ажратилган соатлар сонини ошириш;
4. Машғулотлар жараёнида ҳаракатли ўйинлар билан биргаликда халқ миллий ўйинларини қўллаш;
5. Университет миқёсида номутахассислик таълим йўналишлари талабалари ўртасида халқ миллий ўйинларидан мусобақалар ташкил қилиб ўтказиш;
6. Ўтказилган спорт тадбирлари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш;
7. Ўтказилган ҳар бир спорт тадбирларида тадбир иштирокчиларни тегишли тартибда рағбатлантириш.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январ ПФ-5924 сонли “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябр ПФ-6099 сонли “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони.
3. “Ҳозирги тараққиёт босқичида хотин-қизлар спорти : муаммолар ва истиқболлар”, “Женский спорт на современном этапе : проблемы и перспективы”. Халқаро онлайн илмий-амалий анжумани материаллари 2020 йил 6 май, Бухоро -2020, Жамилова Г., Баймурадов Р.С. “Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия машғулотларини ўзига хослиги”, стр.271-274.
4. INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM, part 1, December 2020, COLLECTIONS OF SCIENTIFIC WORKS Washington USA 25th Desember 2020, Баймурадов Раджаб Сайфитдинович, Бахшуллаева Малохат, Жамилова Гульчеҳра “Роль учителя-наставника в становлении молодого специалиста”, стр 37-45.
5. SCIENCE AND EDUCATION, SCIENTIFIC, ISSN 2181-0842, VOLUME 1,ISSUE 9, Desember 2020, Раджаб Сайфитдинович Баймурадов, Малохат Бахшуллаева, Гульчеҳра Жамилова “Индивидуальная работа-залог успеха в работе учителя” стр.452-458. 220
6. AJMR:Asian Journal of Multidimensional Research (A Double Blind Refereed & Peer Reviewed International Journal ) ISSN 2278-4853, Vol 9, Issue 11, November, 2020, Impact Factor: SJIF 2020,= 6.882, Baymuradov Radjab Sayfitdinovich “THE ROLE OF A MENTOR IN THE FORMATION OF A YOUNG PHYSICAL TRAINER